

МАХФИРАТ  
КУРБОНАЛИЕВА

**АДАБИЙ  
АЛОҚАЛАР  
ВА  
ЗУЛЛИСОНАЙНЛИК  
АНЪАНАСИ**

А Р М угун тақдире этилди  
хит. ўқ. М. Қурбоналиева  
26.04.2016.



МАХФИРАТ ҚУРБОНАЛИЕВА

# АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ЗУЛЛИСОНАЙНЛИК АНЪАНАСИ

ТОШКЕНТ  
«YANGI NASHR»  
2015

УЎК, 821, 222, 8—1  
84(5Ў)  
К32

Курбоналиева Махфират  
Қ32 Адабий алоқалар ва зуллисонанлик анъанаси.  
М. Курбоналиева. – Тошкент: Yangi nashr, – 2015. 32  
бет.

КБК 84(5Ў)

ISBN-978-9943-22-211-3

**Масъул муҳаррир:**  
*Шухрат Сирожиддинов,*  
*филология фанлари доктори, профессор*

**Такризчилар:**  
*Нурбой Жабборов,*  
*филология фанлари доктори, профессор;*  
*Рамазон Абдуллаев,*  
*филология фанлари номзоди, ТерДУ доценти*

Ушбу рисолада ўзбек-тожик адабий алоқалари узок тарихга эга эканлиги ва адабиётдаги нодир ҳодисалардан бири ҳисобланган зуллисонанлик адабий алоқаларнинг муҳим анъаналаридан бири бўлганлиги ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, ўзбек-тожик зуллисонанлигининг асосий ривожланиш босқичлари ва икки халқ ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқ муносабатларининг янада чамбарчаслиги ўринли мисоллар билан таҳлил қилинади.

ISBN-978-9943-22-211-3

© Yangi nashr, 2015 й.

## МУҚАДДИМА

Тарихи узоқ ўтмишга бориб такаладиган ўзбек-тожик адабий алоқалари қадим замонлардан буён бир минтақада қўшни ва қардош халқлар сифатида яшаб келаётган ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги яқин дўстлик муносабатларининг энг муҳим қисмларидан бирини ташкил этади. Айтиб ўтиш лозимки, икки қардош халқ ўртасидаги тарихий-маданий муштарақлик, урф-одатлар ва турмуш тарзидаги ўхшашлик, қолаверса, ўзаро яқин муносабатлар заминида юзага келган бундай адабий алоқалар ўз навбатида халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлик муносабатларининг янада мустаҳкамланишига бевосита хизмат қилиб келган.

Ўзбек-тожик адабий алоқалари ўта ранг-баранг ва серқирра бўлиб, қардош халқ тилида яратилган адабиёт намуналаридан илҳомланиб асарлар ёзиш, қардош халқ адабиётидаги анъаналар, мавзулар, образлар, бадиий тасвир воситалари ва шу каби бошқа унсурларни қабул қилиш, адабий таржима каби турли кўринишларда намоён бўлади. Ушбу икки халқ орасидан етишиб чиққан шоирлар, ёзувчилар ва олимларнинг ҳар иккала тилда, аниқроқ қилиб айтганда, ўз она тили билан бир пайтда қардош халқ тилида ҳам ижод қилишидан иборат бўлган зуллисонийлик анъанасини ушбу адабий алоқаларнинг энг ёрқин қирраларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбек-тожик адабий алоқалари узоқ тарихга эга бўлиб, адабиётдаги нодир ҳодисалардан бири бўлган зуллисонийлик ушбу адабий алоқаларнинг муҳим қисмларидан бирини ташкил этади. Ўзбек ва тожик адабиётларидаги зуллисонийлик ҳам адабиётдаги ўзига хос муҳим ҳодиса сифатида ўзининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихига эга.

Айтиш мумкинки, ўзбек-тожик адабий алоқаларининг муҳим қисми ҳисобланган ўзбек-тожик зуллисонийлиги ҳам умумий адабий алоқалар сингари икки халқ ўртасидаги ўта яқин ва самимий алоқалар, шунингдек, минтақамизда узоқ асрлар давомида шаклланиб келган икки тиллилик асосида юзага келган бўлиб, икки қардош халқ, хусусан, улардан етишиб чиққан илм ва маданият аҳлининг ҳар икка-

ла тилни яхши билишга ҳамда ушбу ҳар иккала тилда ижод қилишга бўлган ҳаракати, қолаверса, иккала халқ шоирлари, ёзувчилари, олимлари, санъаткорлари ва бошқа ижодкор зиёлилари ўртасидаги яқин муносабатлар ушбу гўзал анъананинг давом этиб келишига сабаб бўлди.

Ўзбек ва тожик адабиётларида зуллисонайнлик анъанаси XI – XII асрлардан бошлаб вужудга келди ҳамда ўтган давр мобайнида ривожланиб, янгидан янги шакллар ва унсурлар билан бойиб борди. XX асрнинг бошларига қадар ўзбек ва тожик адабиётларидаги кенг тарқалган ҳодисалардан бири бўлган зуллисонайнлик анъанаси, ўлкамизда совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг ҳам маълум чекланишларга учраган бўлса-да, икки халқ адабиёти вакиллариининг саъй-ҳаракатлари билан давом этди.

Шуниси қувонарлики, бугунги кунда ҳам мустақил Ўзбекистон ва Тожикистон мамлакатларида яшаб ижод қилаётган бир қатор шоир ва ёзувчиларнинг жонбозлиги туфайли икки халқ адабиётида ўзбек-тожик зуллисонайнлиги деб аталмиш бир неча асрлик анъана давом этиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллий адабиётларимизнинг янада бойиши билан биргаликда халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Зотан, машҳур немис ёзувчиси Йоганнес Бехер айтганидек, “том маънодаги миллий адабиёт бошқа халқлар адабиёти билан самарали адабий алоқаларни ўрната олган тақдиридагина шаклланиб, ривож топади”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қиранин. *Муслумонин Р. Назирин адабиёт*. – Душанбе: “Маориф”, 1990. – С. 281.

## I БОБ. ЎЗБЕК-ТОЖИК АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Ўзбек-тожик адабий алоқалари ушбу халқларнинг ўзи сингари узоқ тарихга ва мустаҳкам илдизларга эга. Исломдан олдинги даврлардаёқ бугунги ўзбек ва тожик халқларининг аجدодлари бўлмиш қадимги турклар ва сўғдлар ўртасидаги маданий алоқалар, жумладан, бугунгача сақланиб қолган сўғдий матнларда маълум миқдордаги туркча сўзларнинг учраши<sup>2</sup> халқларимиз ўртасида ўта қадим замонлардан бошлаб маълум даражадаги адабий алоқалар ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Шунинг учун бўлса керак, машхур рус адабиётшунос олими И.С.Брагинский ўзбек ва тожик ёзма адабиётлари ўртасидаги алоқалар ва ўзаро таъсир V асрда бошланиб, X – XV асрларда ривож топганини таъкидлайди<sup>3</sup>.

XI – XII асрларда яшаб ўтган ўзбек халқининг буюк шоир ва мутафаккирлари Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий ва Аҳмад Яссавий асарларидаёқ форс-тожик шеърисидаги мавзулар ҳамда поэтик образлари кўллаш бошланганини кузатиш мумкин. Икки халқ ўртасидаги адабий алоқаларда бошланган бу яхши анъана кейинги асрларда ҳам давом этди. Кўплаб ўзбек шоир ва ёзувчилари форс-тожик адабиётининг таниқли намоёндалари ижодидан илҳом олиб, ўзбек тилида ўлмас асарлар яратишди. Форс-тожик шеъриси, хусусан ғазалчилиги ва дostonчилиги анъаналарининг ўзбек адабиётидан ҳам жой олиши ушбу жараённинг муҳим хусусиятларидан бўлди. Биз бу ҳолатни XIII – XIV асрлардан то XIX – XX асрларгача бўлган даврда яшаб ўтган Рабғузидан ва Сароидан тортиб Фурқат ва Аваз ўтаргача бўлган кўпчилик ўзбек шоир ва ёзувчилари ижодида кузатишимиз мумкин. Шу билан бирга, тожик адабиётшунос олимлари Ҳ.Шодиқулов ва А.Давронов таъкидлаб ўтганларидек, агар

<sup>2</sup> *Зухра Заршинос*. Сўғд тилига умумий бир нигоҳ. Форс тилидан Шокиржон Олимов таржимаси ва изоҳлари билан. // “Сино”, 2011, 37 – 40 сонлар, 4 – 35 бетлар.

<sup>3</sup> Каранг: *Брагинский И. С.* К изучению узбекско-таджикских литературных связей. / Взаимосвязи литератур Востока и Запада. – Москва, Изд. Восточной литературы, 1961. – С. 9 – 10.

мулйян бир даврда форс-тожик лирикаси ўзбек ва туркман шеъриятига катта таъсир етказган бўлса, бошқа бир даврда туркий халқлар эпоси тожик халқ эпосига сезиларли таъсир кўрсатганини кузатиш мумкин<sup>4</sup>. Узоқ йиллар тожик-ўзбек адабий алоқалари бўйича тадқиқотлар олиб борган самарқандлик адабиётшунос олим Абдусалом Самадовнинг фикрича, “мазмун-мундарижа яқинлиги ва уйғунлиги тожик ва ўзбек халқларининг нафақат эртақ ва дostonларида, балки зарбулмасал, мақол ва чистон (*топишмоқ* – М.Қ.)ларида ҳам яққол кўзга ташланади”<sup>5</sup>.

XIV – XV асрлардан бошлаб форс-тожик адабиёти намуналарининг ўзбек тилига таржима қилина бошлаши эса адабий алоқаларнинг ривожланишидаги муҳим омиллардан бири бўлди. XIV асрда Қутб Хоразмий томонидан Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин” достони ва Сайфи Саройи томонидан Саъдийнинг “Гулистон” асари, XV асрнинг бошларида эса Ҳайдар Хоразмий томонидан Низомий Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор” достони ўзбек тилига таржима қилиниши ўзбек-тожик адабий алоқалари тарихида янги саҳифани очиб берди. Айтиш мумкинки форс-тожик адабиёт намуналарининг ўзбек тилига таржимаси кейинги даврларда ҳам давом этди. XVII – XIX асрларда ўзбек шоир ва таржимонлари Шоҳ Ҳижрон, Мулло Охунд Хомуший ва Нурмуҳаммад Бухорийлар томонидан Фирдавсий “Шоҳнома”сидан айрим бўлимларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши, XIX асрда Хоразм адабий муҳитида Муҳаммадризо Огаҳий ва бошқалар томонидан амалга оширилган таржималар, шунингдек, XX аср бошларидаги янги таржимачилик ҳаракати шундан далолат беради.

XV – XVI асрларда ўзбек-тожик адабий алоқаларида янги унсур сифатида икки халқ шоир ва ёзувчилари ўртасидаги бевосита ижодий ҳамкорлик алоқалари юзага келди. Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Ҳазрат Алишер Навоий ўртасидаги яқин ижодий ҳамкорлик ва маънавий яқинлик мазкур алоқаларнинг энг юқори чўққиларидан бирини таш-

<sup>4</sup> Шодиқулов Х, Давронов А. Пайвандҳои дўстии халқи тоҷик. – Душанбе, 2003. – С.93 – 94.

<sup>5</sup> Самадов А. Пайвандҳои дўстӣ ва адабӣ. – Т.: “Мухаррир”, 2012. – С.17.

кил этади. Айтиш жоизки, икки халқ шоир ва ёзувчилари ўртасидаги бундай яқин ҳамкорлик алоқалари ўзбек ва тожик адабиётларининг алоҳида вакиллари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик алоқаларидангина иборат бўлмаган. Ушбу даврда Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Ҳирот, Қўқон, Хўжанд шаҳарларида фаолият кўрсатган турли адабий тўғарақлар ва мактаблар баб-баравар равишда ўзбек ва тожик ижодкорларини ўз атрофига тўплаган эди. Бундай адабий тўғарақларнинг хусусиятлари тўғрисида Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Амир Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ва Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг “Бадойеъ ул-вақойеъ” асарларида батафсил маълумотлар келтирилган.

Ўзбек халқи орасида машҳур форс-тожик шоирлари ижодига бағишланган ва мунтазам равишда ўтказиб турилган анжуманлар ўзбек-тожик адабий алоқаларидаги яна бир муҳим қисми ташкил этади. Октябрь инқилобигача бўлган даврда ўзбек халқи орасида шохномахонлик, маснавийхонлик, ҳамсахонлик, ҳофизхонлик, бедилхонлик йиғинлари, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари ҳамда бошқа буюк сўз усталарининг асарларини ўқиш ва ўрганишга бағишланган йиғинлар анаъана тусини олган эди. Адабиёт билимдонлари, олимлар ва тадқиқотчилар адабиётнинг йирик ва машҳур вакилларига бағишланган хотира кечалари ва бошқа адабий йиғинларни уюштириш, уларда ушбу буюк сўз санъати усталари асарларидан намуналар ўқиш, уларни таҳлил қилиш ва улар борасида турли баҳс-мунозаралар юритиш орқали ўзларида адабиёт ва шеърятга нисбатан вужудга келган чанқоқлик ўтини ўчиришга уринганлар<sup>6</sup>.

Ўзбек-тожик адабий алоқаларидаги яна бир муҳим қирра сифатида ҳар иккала халқ шоир ва ёзувчилари орасида кенг тарқалган зуллисонанлик, яъни иккала тилда ҳам баравар ижод қилиш анъанасини ҳам эслатиб ўтиш мумкин. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтишни жоиз деб билардикки, ўзбек-тожик адабий алоқаларининг илк даврлариданоқ бошланган

<sup>6</sup> *Бурҳониддин Намиқ Шаҳроний* (афғонистонлик тадқиқотчи). Бедилхонлик ва бедилшунослик диёрига бир сафар. Форс тилидан Шокиржон Олимов таржимаси ва изоҳлари билан. // “Сино”, 2011, 43 – 44 сонлар, 46 – 63 бетлар.

Ўзбек-тожик зуллисонанлиги нафақат барча туркийзабон ва форсийзабон халқлар ўртасида, яъни, Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва Туркияда мавжуд бўлган туркий-форсий зуллисонанликда, балки умумжаҳон адабиётидаги зуллисонанлик ҳодисасида юқори ўринлардан бирини эгаллаб, жаҳон халқлари адабиётидаги нодир ҳодисалардан бири ҳисобланади. Зеро жаҳоннинг бошқа халқлари ўртасидаги адабий алоқаларда ҳар иккала халқ адабиёти вакилларининг бараварига ҳар иккала тилда ижод қилиши ўта кам учрайдиган ҳодисалардан ҳисобланади.

Айтиб ўтиш лозимки, ўзбек-тожик адабий алоқалари жараёнида юз берган ўзаро таъсир ва ўзаро бойиш фақатгина форс-тожик адабиётининг ўзбек адабиётига кўрсатган таъсири ёки ўзбек адабиётининг форс-тожик адабиёти унсурали ва анъаналари билан бойишидан иборат бўлиб қолгани йўқ. Ушбу жараёнда тожик адабиёти ҳам ўзбек адабиётидан таъсир олиб, бойиди. Икки тилда ижод қилувчи ўзбек шоирлари билан бир қаторда кўпгина тожик шоирлари ҳам ўзбек тилида ижод қилиб, нафақат икки адабиёт, балки бевосита икки халқ ўртасидаги дўстлик ва қардошлик алоқаларининг мустақамланишига хизмат қилишди. Тожикистонлик адабиётшунос олим, профессор Тожиддин Мардоновнинг эътирофи этишича, бир-биридан алоҳида бўлган икки мустақил адабиёт сифатида вужудга келиб, ўзига хос ривожланиш ва такомиллашиш босқичларини бошидан кечириб борган тожик ва ўзбек адабиётлари яқин алоқалар ҳамда ўзаро бойиш жараёнида янгича ғоявий-эстетик сифатлар касб этиб борди. Тожик тили ва унинг бадий тасвир воситалари – эпитетлар, ўхшатишлар, муболағалар, антонимлар ва бошқа образли ифодалар ўзбек тили ва ўзбек шеъриятини бойитган бўлса, ўзбек тили ва унинг лексик воситалари тожик тили ва тожик шеъриятини янгича бўёқлар, образли ифодалар ва миллий колорит билан безади<sup>7</sup>.

Форс-тожик адабиёти ҳақли равишда ўзбек шоирлари учун унинг яратувчилари бадий тажрибасини ўрганишининг буюк мактаби бўлса, худди шунингдек, Лутфий, Навоий ва бошқа ўзбек шоирларининг асарлари тожик классик шеъри-

<sup>7</sup> Мардонов Т. И. Арабско-таджикское двуязычие в поэзии IX – X вв. – Душанбе. “Маориф”, 1993. – С. 162.

ятининг ривожига катта таъсир ўтказди. Тожик ва ўзбек шоирлари ва носирларининг асрлар давомидаги бадий ижоди ривожланиши тажрибаси шундан далолат беради<sup>8</sup>.

Ўзбек ва тожик адабиётлари намуналарини бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, ушбу икки адабиётдан ҳар бирига мансуб бўлган шоир ва ёзувчиларнинг бараварига ҳар иккала тилда ижод қилиши, ширу шакар услубида шеър ёзиш, иккала адабиёт намояндалари ўртасидаги яқин ижодий ҳамкорлик алоқалари кўринишидаги адабий алоқалар XX асрда ҳам С.Айний, А.Фитрат, С.Ажзий, Ғ.Ғулом, Чустий, Ш.Шомухаммедов, Назармат, Э.Воҳидов, А.Дехотий, Ж.Қувноқ ва шу каби жуда кўплаб бошқа ўзбек ва тожик ижодкорлари томонидан давом эттирилди. Айтиш мумкинки, бундай алоқалар бугунги кунда ҳам давом этиб, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги азалий дўстлик алоқаларининг бардавом бўлишига хизмат қилиб келмоқда.

## II БОБ. ЎЗБЕК-ТОЖИК АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИДА ЗУЛЛИСОНАЙНЛИК ҲОДИСАСИ

Ўзбек-тожик зуллисонайнлиги ушбу икки халқ ўртасидаги бир неча асрлик дўстлик ва ҳамкорликнинг самараси ҳисобланади. И.С.Брагинскийнинг фикрича, “Ўрта Осиё ёзувчилари ижодидаги зуллисонайнлик ҳодисаси асосан XI асрдан бошланган. XIX – XX асрларда зуллисонайнлик ўз ривожланишининг янги bosқичига кўтарилади. Агар XVI асргача бўлган даврда зуллисонайнлик айрим шоирларгагина хос бўлган бўлса, XVIII – XIX асрларда, тўғриси айтганда, фақатгина бир тилда ижод қилган шоирларни топиш қийин эди, топилганлари ҳам унчалик таниқли бўлмаган шоирлар жумласига кирарди. Аксинча, бу асрларда ҳар бир машҳур шоир, одатда, икки тилда ижод қилган”<sup>9</sup>. Зеро, “ўз

<sup>8</sup> *Эргашали Шодиев*. Ўзбек-тожик адабий алоқалари. – Душанбе, 1973. (ўзбек тилида)

<sup>9</sup> *Брагинский И.С.* Исследование по таджикской культуре. – М.: “Наука”, 1977. – С. 206.

она тилидан ташқари иккинчи тилни (яъни Ўзбек ёки тожик тилини) билиш ҳам ўзбек, ҳам тожик шоир ва ёзувчиларининг билим ва маданият даражасини белгиловчи унсур бўлиб хизмат қилди. Ўзбек ва тожик тилларининг бир-бирини ўзаро бойитиши каби маданий жараён ўрта аср ижодкорларини зуллисонайнликка ундовчи муҳим омиллардан бири бўлди”<sup>10</sup>.

XV – XVI асрларда (Алишер Навоий ижодидан бошлаб) анчагина самарали жараён шаклини олиб бўлган ўзбек-тожик зуллисонайнлиги кейинги даврларда ҳам босқичма-босқич ривожланиб борди. Шуниям айтиб ўтиш лозимки, агар XVIII асрга қадар бўлган даврдаги ўзбек-тожик зуллисонайнлигида кўпроқ ўз она тиллари билан биргаликда тожик тилида ҳам ижод қилган ўзбек шоирларининг ҳиссаси кўпроқлиги кузатилса, XIX асрдан бошлаб бунинг акси кўзга ташланади<sup>11</sup>. Жумладан, адабиётшунос олимлар Фарҳод Исомиддинов ва Жонмирзо Мирзоев томонидан ёзилган “Зуллисонайн адиблар” номли тазкирада жами 128 нафар зуллисонайн адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот берилган бўлиб, уларнинг аксари асосан форс-тожик адабиётининг вакиллари ҳисобланади<sup>12</sup>.

Ушбу ижодий жараён ўзбек ва тожик тилларининг нормал фаолиятига халақит бермади, балки аксинча миллий тилларда юксак бадиий қимматга эга бўлган адабиётнинг яратилишига ёрдам берди. Бу ҳодиса “ҳозир ҳам миллатларнинг халқаро ҳамдўстлиги манфаатларига, адабий-бадиий икки тиллилик каби жаҳон адабиёти тарихида унчалик ҳам кўп учрамайдиган масалаларнинг янги назарий, амалий ва эстетик меъёрларининг ишлаб чиқилишига ёрдам бермоқда”<sup>13</sup>.

<sup>10</sup> *Мардонов Т. Н.* Арабско-таджикское двуязычие в поэзии IX – X вв. – Душанбе. “Маориф”, 1993. – С. 162.

<sup>11</sup> *Абдуллаева У. Б.* Художественный билингвизм в творчестве Садриддина Айни. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Душанбе. 2010.

<sup>12</sup> *Қаранг: Фарҳод Исомиддинов, Жонмирзо Мирзоев.* Зуллисонайн адиблар. – Т.: “Истиқлол нури”, 2013.

<sup>13</sup> *Османова З. Г.* Современные аспекты литературно-художественного двуязычия. // Способность к диалогу. Часть первая. - М.: “Последие”, “Наука”, 1993. – С. 100.

Биз ушбу ишимизда ўзбек-тожик адабий алоқаларида зуллисонанлик ҳодисаси тўғрисидаги умумий маълумотлар ва бу борадаги ўзимизнинг фикр-мулоҳазаларимизни қуйидаги кичик бўлимларда кўриб ўтишга қарор қилдик:

1. Ўзбек-тожик зуллисонанлигининг вужудга келиши.
2. XV – XVI асрлар ўзбек-тожик зуллисонанлигидаги янги давр.
3. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида ўзбек-тожик зуллисонанлиги.
4. XX асрда ўзбек-тожик зуллисонанлиги.
5. Ўзбек-тожик зуллисонанлиги бугунги кунда.

## 1. Ўзбек-тожик зуллисонанлигининг вужудга келиши

Юқорида эслатиб ўтилганидек, ўзбек-тожик зуллисонанлигининг вужудга келиши XI – XII асрларга бориб тақалади. Бу даврдаги ўзбек халқининг буюк шоир ва мутафаккирлари Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббат ул-ҳақойиқ” ва Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” асарларида форс-тожик шеърлятидаги дидактик ва ахлоқий мавзуларнинг таъсири билан биргаликда форс-тожик тилидан ўзлашган сўзлар, иборалар ҳамда поэтик образларнинг қўлланила бошлаганини кузатиш мумкин. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони Фирдавсийнинг “Шохнома” достони яратилган аруз вазнининг мутақориб баҳрида ва маснавий жанрида ёзилган. Биз айнан ана шу адабий жараёнда ўзбек-тожик зуллисонанлигининг тамал тоши қўйилган, деб айта оламиз.

Ундан кейинги даврларда бундай адабий алоқалар жараёни ривожлана бориб, илк бора ўзбек шоирлари орасида икки тилда – ўзбек ва тожик тилларида ижод қилувчи шоирларнинг вужудга келишига олиб келди. Жумладан, XIII – XIV асрларда яшаб ўтган ўзбек шоирлари Носириддин Бурхониддин Рабғузий, Бадр Чочий, Лутфий, Амирий ва бошқалар ўз асарларини катта маҳорат билан икки тилда – ўзбек ва тожик тилларида яратишди.

Шу ўринда ўзбек-тожик зуллисонинлигидаги яна бир муҳим ҳодиса – ширу шакар услубида шеър ёзиш анъанасининг ҳам ўзбек-тожик адабий алоқаларининг илк даврларидан бошланганлигини эслатиб ўтиш лозим. Маълумки, “ширу шакар” ёки “муламмаъ” деб аталадиган бу услуб шеърининг сатр ёки байтларни икки тилда ёзишдан иборат бўлиб, бунда сатрнинг биринчи ярми бир тилда, иккинчи ярми эса иккинчи тилда ёзилган шеър “муламмаъи макшүф” (очиқ муламмаъ), биринчи байт бир тилда, иккинчи байт эса иккинчи тилда ёзилган шеър “муламмаъи маҳжуб” (ёпиқ муламмаъ) деб аталади. Эслатиб ўтиш лозимки, бошида муламмаъ форс-тожик ва араб тилларида яратилган бўлиб, форс-тожик адабиёти классикларидан Саъдий Шерозий, Румий, Ҳофиз Шерозий ва Камол Хўжандийлар форс-тожик ва араб тилларида гўзал ва мазмунга бой муламмаълар яратишган.

Ўзбек ва тожик тилларида муламмаълар, яъни ширу шакар услубидаги шеърлар ёзиш анъанаси ҳам ўша замонлардан бошланади. Юқорида эслатиб ўтилган Румий ўзининг “Девони Шамс Табризий”сида форс-тожик ва араб тилларидаги муламмаълари билан биргаликда, форс-тожик, араб ва туркий (ўзбек) тилларидаги муламмаълар ҳам яратган<sup>14</sup>.

Аmmo айрим манбаларда келтирилишича, тожик ва ўзбек тилларида ёзилган илк муламмаъ намунаси Мавлоно Жалолдин Румийга тегишлидир:

*Ёро, ба ҳар ду олам ялгуз сени севарман,  
Гар ту ба ман наоӣи, аз гамакат ўларман*<sup>15</sup>.

Бевосита ўзбек ва тожик тилларида ширу шакар услубидаги шеърлар ёзиш анъанаси илк бор тожик классик шоири Хўжа Исмаи Бухорий (XVI – XV асрлар) ижодида кузатилади. Айтиш мумкинки, бир ғазални икки тилда ёзиш шоирнинг имкониятларини чеклаб қўймаган, балки унга лирик

<sup>14</sup> Улмасова З. Х. Двухязычие как важнейшая форма таджикско-узбекских литературных взаимосвязей. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Худжанд. 1998.

<sup>15</sup> *Ҳайт Шейхат Самарқандий*. Форс-тожик ва ўзбек адабий алоқалари. // “Сино”, 2001, 4- сон, 42 б.

қахрамонинг туйғуларини чуқурроқ, тўлароқ ва аниқроқ ифода этишга ёрдам берган.

Ўзбек шоирлари эса муламмаънинг бадий имкониятларини кенгайтиришди. Улар бир асарда икки тилда ёзилган сатрлар, байтлар ва парчаларни келтириш билангина чекланиб қолмасдан, ушбу шеърини услубни юқорироқ босқичларга кўтаришди. Масалан Ҳайдар Хоразмий ўзининг “Муҳаббатнома” дostonида газал шаклида ёзилган ўн битта муҳаббат мактубидан тўртинчи, саккизинчи ва ўн биринчи мактубларни тожик тилида битган. Бундан ташқари ушбу дostonдан жой олган бир неча маснавий ва қитъаларда ҳам айрим тожикча байтлар учрайди.

Ўзбек тили лугат таркибини тожик шеърини бадий тасвир воситалари билан бойитган Сайфи Саройи, Юсуф Амирий ва бошқа ўзбек шоирлари лирика ва эпоснинг турли жанрларида ўз кучларини синаб кўришди. Масалан Юсуф Амирий ўзининг ўзбекча таржеъбандида қуйидаги тожикча байтдан боғловчи звено сифатида фойдаланган:

*Ҳолатам бад, гусса беад, васл мақсад, нола беш,  
Бахт вожун, дард афзун, дийда пурхун, сийна реш.*

XI – XIV асрларда тўлақонли адабий ҳодиса шаклини олиб бўлган ўзбек-тожик зуллисонанглиги бундан кейинги даврлардаги адабий алоқаларнинг янада ривожланишига катта туртки берди.

## **2. XV – XVI асрлар ўзбек-тожик зуллисонанглигидаги янги давр**

Академик В.Зоҳидовнинг айтишича, XV асрда ўзбек тили масаласи ижтимоий ҳаётдаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб<sup>16</sup>, теурийлар сулоласи вакиллари ҳукмронлик қиладиган ўлкаларда ўзбек тилининг роли орта борди. Бу эса, ўз навбатида давлат ва жамият ҳаётида, илм-фан ва маданиятда

<sup>16</sup> *Воҳид Зоҳидов*. Бокий халқ даҳоси. // Алишер Навоий. Ўн беш томлик асарлар. I том. – Тошкент. 1963. 9 – 10 бетлар.

шакллана бошлаган форс-тожик ва ўзбек тиллари асосидаги икки тиллик муҳитининг янада мустаҳкамланишига олиб келди.

XIV асрдаёқ анчагина ривожланишга эришган ўзбек-тожик зуллисонанлиги XV – XVI асрларда мисли кўрилмаган даражада оммалашади. Бу давр ўзбек-тожик адабий алоқаларининг мустаҳкамланиши ва ўзбек-тожик зуллисонанлигининг одат тусига кириши билан характерланади. Худди ана шу даврда ўзбек ва тожик халқларининг буюк шоир ва мутафаккирлари бўлмиш Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик туфайли ўзбек-тожик адабий алоқалари кучайиб, ушбу алоқаларнинг янада ривожланиши асослари қўйилади.

Ўзбек тилида кўплаб ўлмас асарлар яратган Алишер Навоийнинг Фоний таҳаллуси билан форс-тожик тилида яратган шеърларини ўз ичига олган “Девони Фоний”си ўзбек-тожик адабий алоқалари, хусусан, ушбу алоқаларнинг муҳим қирраларидан бири ҳисобланган ўзбек-тожик зуллисонанлигининг ривожига катта таъсир етказди. Ўзбеклар ва тожикларни нафақат яқин қариндошлар, балки маънавий биродарлар ҳам деб атаган Мавлоно Абдурахмон Жомий ўзининг “Баҳористон” асарида Навоийнинг туркий ва форсий тилларда ижод қиладиган ўта моҳир зуллисонан эканлигини эслатиб ўтади. Айтиб ўтиш лозимки, Навоийнинг форс-тожик шеърляти даҳолари Ҳофиз Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий ва Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг ғазаллари ва қасидаларига жавобан ёзган ғазаллари ва қасидалари ўзбек-тожик зуллисонанлигининг ривожига катта ўрин тутди.

Алишер Навоий-Фонийнинг форсий ғазалларидан бир парча келтирамиз:

*Ту хубу хулқи ту тақаллумат ҳам хуб,  
Набуда чун ту ба хуби касе ба олам хуб.*

*Ба ҳусе беҳ зи пари одамигари бартар,  
Нагашта мисли ту пайдо зи насли одам хуб.*

Таниқли тожик олими академик Абдулғани Мирзоев “Девони Фоний”ни ўрганиш натижасида шундай хулосага кела-

ди: “Алишер Навоийнинг форс-тожик шеърлятида ҳам усто-злиги ва юксак маҳорат кўрсатганлигини унинг жавобия ёки мустақил ғазалларининг ҳар бирида, маълум даражада аниқ кўриш мумкин. Алишер Навоий асарларининг шу қисми мутолаасидан шундай тасаввур туғиладики, ўзбек адабиёти-нинг асосчиси ўзининг форс-тожик шеърляти тарихидаги ўрнини, ҳақиқатдан ҳам, жуда яхши белгилаган. Шу тариқа Алишер Навоий фақат адабиётнинг буюк бир намояндаси, адабиёт ва санъат аҳлининг ҳомийси ҳамда XV асрнинг ик-кинчи ярмидаги Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон халқлари-нинг илм-адабиёт ва санъат тараққиётига қудратли асосчи бўлибгина қолмасдан, балки Абдурахмон Жомийдан кейин XV аср форс-тожик ғазалчилигининг энг буюк вакиллари-дан бири сифатида бизнинг адабиётимиз тарихидан ҳам муно-сиб ўрин олади”<sup>17</sup>.

Шу даврда яшаб ўтган ўзбек шоирлари Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Яқиний, Гадоий, Лутфий, Сайид Аҳмад, Муҳаммад Солиҳ ва бошқалар, шунингдек, тожик шоир ва адабиётшунослари Давлатшоҳ Самарқандий, Зайниддин Восифий ва бошқалар ҳам икки тилда ижод қилиш орқали ушбу адабий жараённинг кенгайиши ва чуқурлашишига кат-та ҳисса қўшишди.

Таниқли ўзбек адабиётшунос олими, профессор Раҳим Воҳидовнинг фикрича, XV асрнинг иккинчи ярмига келиб, икки тиллилик туркий тиллардаги адабиётга хос бўлган ху-сусиятга айланди<sup>18</sup>. Аммо бошқа бир адабиётшунос Р.Орзи-беков бу даврга келиб икки тиллиликнинг ҳар иккала ада-биёт, яъни, ҳам ўзбек, ҳам тожик адабиётига хос хусусиятга айланганлигини айтиб ўтади<sup>19</sup>.

Ушбу даврда муламмаъ ёки ширу шакар услуби шеър-лятнинг кенг тарқалган услубларидан бирига айланди. Аб-дурахмон Жомий ва Алишер Навоий қаламига мансуб деб топилган ва халқнинг сеvimли кўшиқларига айланиб қолган

<sup>17</sup> *Абдулгани Мирзоев*. Сездэх мақола. – Душанбе: “Ирфон”, 1977. – С. 62.

<sup>18</sup> *Раҳим Воҳидов*. XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърляти. – Тошкент, 1983. 76 б.

<sup>19</sup> *Орзибеков Р. К.* Ўзбек лирик шеърлятида икки тиллилик аънаналари масаласига доир. // Ўзбек ва тожик адабиётларида жанр масалалари. – Са-марқанд. 1982. 43 б.

Ўзбекча-тожикча ширу шакар услубида ёзилган ғазаллар бизнинг давримизгача етиб келган. Жумладан, қуйидаги байтлар ҳам Жомийнинг тожикча-ўзбекча ширу шакар услубида ёзилган ғазалидан олингандир:

*Эй лабат пурхандаву чаими сиёҳат масти хоб,  
Икки зулфунг орасида ой юзингдур офтоб.*

*Масти май мекунанд рўйи туро гарқи арақ,  
Бода ичсанг тўкилур икки қизил юздин гулоб.*

*Булҳавас дар базми васлат маҳраму ман ноумед,  
Толеим шулдир менинг, бахтим забун, ҳолим хароб.*

*Ҳар ки бинад рўйи хубат, пок бошад аз гуноҳ,  
Сан сари боққанлара маҳшар куни йўқтур азоб.*

*Банда шуд Жомий, гуломат гарчи Афлотун бувад,  
Асрагил, ё сақлагил, ё сот, ё бергил эжавоб<sup>20</sup>.*

Адабиётшунос олим профессор Р.Воҳидовнинг ёзишича, “1941 йилда “Қизил Ўзбекистон” газетасида “Жомийнинг ўзбекча шеърлари” сарлавҳаси остида уч ғазал (иккитаси соф ва биттаси ширу шакар) эълон қилинади. Профессор Е.Э.Бертельс ўзининг рус тилида эълон қилинган “Жоми” китобида уларга ўрин беради. Шоир Чархий эса(1900-1980) ўша муламмаъ ғазалга мухаммас боғлайди. Кейинчалик академик А.П.Қаюмов мунозара тарзида “Зуллisonайн Жомий” маколасини эълон қилди. Ёхуд қуйидаги матлалари келтирилдиган соф ўзбекча ғазаллар ҳам Жомийнинг ижоди сифатида эътироф қилиниб келинади:

*Зулфинг хаёли тушгали шўрида бошқа,  
Гам бошқа ўлдирур мени, ҳижрони бошқа.*

Яна:

---

<sup>20</sup> Қаранг: А. Қаюмов. Зуллisonайн Жомий. / “Сино”, 2002 (куз). №7 – Б.16 – 17.

*Қолдим балоя – кўнглими бердимки ёшқа,  
Чунки мудом икки кўзум тўлди ёшқа.*

Яна:

*Боқсам тўлуру кўзумга сиршик ул қуёшқа,  
Йўқтур юзи назарда, кўзум тушди ёшқа*

(ва ҳоказо)<sup>21</sup>

Мақоланинг давомида профессор Р.Воҳидов Жомийнинг ўзбек тилида ҳам ғазаллар яратганини баъзи бир далиллар билан инкор этади, аммо бир нарсани айтиш мумкинки, туркий тилга катта ҳурмат ва эътибор билан қараган ва уни яхши билган Мавлоно Жомийнинг ушбу тилда бир неча шеър ёзиши тарихий ҳақиқатдан узоқ ёки ақл бовар қилмайдиган бир ҳодиса эмас.

“Тазкират уш-шуаро” муаллифи бўлган тожик шоири ва олими Давлатшоҳ Самарқандийнинг Алишер Навоийга бағишлаб ёзган қасидаси XV асрдаги тожикча-ўзбекча муламмаънинг энг олий намунаси ҳисобланади.

Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида ўша даврда икки тил – ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилган ўн беш ўзбек шоири тўғрисида маълумот бериб ўтган.

### **3. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида ўзбек-тожик зуллисонанглиги**

Ўзбек-тожик адабий алоқаларининг энг муҳим қирраларидан бирига айланиб бўлган зуллисонанглик ўзининг узоқ тарихи давомида баъзида кучайиб, баъзида сустлашган бўлсада, ҳеч қачон бутунлай тўхтаб қолмаган. Шу жиҳатдан XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги ўзбек ва тожик адабиёти ривожини алоҳида аҳамият қасб этади.

XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларида бўли-

<sup>21</sup> Раҳим Воҳидов. Жовидон шеърят. / «Жомий ва ўзбек адабиёти». Халқаро илмий анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”. 2005. – Б.84 – 85.

ниб кетганидан сўнг, ушбу хонликлардан ҳар бирида алоҳида адабий доиралар шаклланиб, уларда ўзбек ва тожик тилларининг мавқеини тенглаштиришга бўлган ҳаракат юз беради. Натижада барча шоирлар зуллисонайнлик анаъанасига мурожаат қилишади. Ўзбек шоирларидан Машраб, Турди, Адо, Нозил, Хижлат, Увайсий ва Амирийлар ўз асарларини она тиллари билан биргаликда тожик тилида ҳам яратишади. Шунингдек, Ғозий, Махмур, Ҳотиф, Нола, Холис, Рамзий, Парий, Риндий, Касрат, Дилшод Барно, Қамбархон Хўжандий, Муагтархон ва Анбар Отинлар ҳам бу даврнинг машҳур зуллисонайн шоирларидан ҳисобланишади. Улар ўзбек ва тожик тилларида шунчалик даражада табиий равишда ва маҳоратли тарзда ижод қилишганки, ҳозиргача улардан қай бирининг аслида қайси халққа тегишли эканлигини аниқлаш қийин<sup>22</sup>.

Бу даврнинг энг машҳур шоирларидан бўлган Бухоро адабий муҳтиси вакили Мужрим Обид, Қўқон адабий муҳити вакиллари Ғазли Намангоний ва Нодира, Хоразм адабий муҳтиси вакили Мунис ва бошқалар ўзбек ва тожик тилларида шеърини девонлар яратишди. Қўқон адабий муҳити вакиллари билан бўлган, ўзбекча ва тожикча ғазаллар муаллифи Гулханий ўзининг қушларнинг ўзаро суҳбати кўринишида ёзилган “Зарбулмасал” насрий асарини икки тилда яратган бўлиб, унда ўзбекча ва тожикча гаплар навбат билан келтирилади.

Қуйида Нодира-Макнунанинг форсий ғазалларидан бир парча келтирамиз:

*Субҳи васли ман зи хуршеди жамолат нур дошт,  
Шоми ҳижрон тира шуд, эй моҳи тобонам биё.*

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ўтган ўзбек шоирларидан Муҳаммад Аминхўжа ўғли Муқимий, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ва бошқалар, тожик шоирларидан Ҳайрат, Саидахмад Ажзий, Тошхўжа Асирий, Зуфархон Жавҳарий, Абдулло Фаёз, Фаҳри Румоний ва

<sup>22</sup> Абдуллоева У. Б. Художественный билингвизм в творчестве Садриддина Айни. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Душанбе. 2010.

бошқалар ўзбек-тожик зуллисонайнлиги анъанасининг фаол давомчилари бўлдилар.

Форс-тожик адабиёти классиклари Саъдий, Ҳофиз ва Жомийларни ўзларининг маънавий устозларидан деб билган Муқимий ва Фурқат нафақат ўзларининг ўзбек тилидаги асарларида форс-тожик классик адабиётининг энг яхши анъаналаридан фойдаландилар, балки бевосита форс-тожик тилида ғазаллар ҳам битдилар.

Куйида Муқимийнинг Саққо ғазалига битган форсча мухаммасидан парча келтирамиз:

*Дило, шугли ҳавас то кай, ба хун хўрдан намеарзад,  
Ба хоки тира ҳасратҳойи ў бурдан намеарзад,  
Чу фардо ҳосили дунё ба як арзан намеарзад,  
Нишоти зиндагонихо ҳамехўрдан намеарзад.  
Ҳаёти Хизр агар ёби, ба жон кандан намеарзад.*

Худди шунингдек, ўз она тилларидан ташқари ўзбек тилида ҳам самарали ижод қилган ушбу тожик шоирлари, жумладан, Тошхўжа Асирийнинг ғазалларида ўзбек шеъриятининг тил хусусиятлари таъсири кўзга ташланади.

Бу даврдаги ўзбек-тожик адабий алоқаларида икки халқ шоир ва ёзувчилари ўртасидаги шахсий дўстлик ва ижодий ҳамкорлик алоқаларининг ҳам ўрни катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан юқорида номлари эслатиб ўтилган тожик шоирлари билан ўзбек шоирлари ўртасида ўзаро шеърий ёзишмалар амалга оширилган. Бу борада Тошхўжа Асирий билан ўзбек шоири Хислат ўртасида амалга оширилган ўзаро шеърий ёзишмаларни мисол келтириш мумкин.

Айтиб ўтиш лозимки, XVIII асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларигача бўлган бу даврда Ўрта Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Фарғона, Хўжанд ва Истаравшан каби маданият марказларида ўзбекча-тожикча муламмалар ёзиш анъанаси давом эттирилди. Ушбу шеърий услубда ижод қилган шоирлар сифатида Мирзо Сиддиқ Фано, Махмур, Сипандий, Завқий, Мунис, Аваз, Шоҳин, Муқимий, Фурқат, Надим, Асирий, Туғрал, Румоний ва бошқаларни

эслатиб ўтиш мумкин. Шулардан бири Тошхўжа Асирий муламмаънинг чегараларини кенгайтириб, нафақат тожик ва ўзбек тилларида, балки араб, тожик, ўзбек ва рус тилларида битилган, яъни арабча, тожикча, ўзбекча ва русча байтлар кетма-кет келадиган кичик дoston ҳам ёзади<sup>23</sup>.

XIX аср охирларидан бошлаб ўзбек тилидаги матбуотнинг, пайдо бўлиши, XX аср бошларидан эса ўзбек тилидаги шеъррий тўпламларнинг чоп этила бошлаши тожик шоирларини ҳам ўзбекча ижод қилишга ундовчи омиллардан бири бўлди. Бу даврда тожик маърифатпарвар шоири Ажзий ўзининг “Миръоти ибрат” (Ибрат кўзгуси) ва “Анжумани арвоҳ” (Рухлар йиғини) дostonлари ҳамда “Ганжинайи хикмат” (Хикмат хазинаси) шеърлар тўпамини ўзбек тилига таржима қилиб, 1914 – 1919 йилларда Самарқандда чоп эттирди.

#### 4. XX асрда ўзбек-тожик зуллисонинлиги

1917 йилдаги октябрь тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига чиққан болшевиклар нафақат Чор Россиясининг мустамлакаларидан бири бўлган Туркистон ўлкасида яшовчи халқларни бир неча асрлик бой тарихий-маданий меросдан маҳрум қилишга, балки Ўрта Осиёни сунъий равишда бир неча республикага бўлиб ташлаш орқали, бир неча минг йиллардан буён бирга яшаб келган ушбу халқларни ҳам бир-биридан ажратиб ташлашга уринишди. Бироқ шунга қарамасдан, бир гуруҳ ўзбек ва тожик шоир ва ёзувчилари, олим ва зиёлилари катта саъй-ҳаракатлар билан ўзбек-тожик адабий алоқаларини сақлаб қолиш ва уни янги босқичларга кўтаришга муваффақ бўлишди. Бу борада Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Абдусалом Дехотий ва бошқаларнинг хизмати жуда катта бўлди.

Ҳозирги замон тожик адабиётининг асосчиси ҳисобланган Садриддин Айний айни замонда XX аср янги ўзбек адабиётнинг юзага келиши ва ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшди. Жумладан, С.Айний ўзининг “Бухоро жаллодлари”

<sup>23</sup> *Эргашали Шодиев. Антология поэтов Худжанда. – Худжанд, 1966. – С. 92 – 93.*

(1922), “Қиз бола ёки Холида” (1924), “Қул бобо ёки икки озод” (1926) асарлари ва “Қуллар” (1934) романини ўзбек тилида яратди. Унинг “Инқилоб учқунлари” (1923) номли илк шеърӣ тўплами эса параллел равишда ўзбек ва тожик тилларида чоп этилди. Ўзбек тилидаги “Таёқ” ва “Машраб” ҳажвий журналларининг асосчиларидан бири бўлган С.Айний ўзининг ушбу нашрларда чиқарган ўзбекча ҳажвий асарлари, шунингдек, тожикча “Мулло Мушфикий” (“Мушфик”, “Бигиз”) ҳажвий журналида босилган тожикча-ўзбекча ҳажвий муламмаълари билан ўзбек-тожик зуллисонанглигининг сақланиб қолиши ва ривожланишини таъминлаб берди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ўзбек тилида “Алишер Навоӣ “Хамса”си” (1947), “Алишер Навоӣ ва тожик адабиёти” (1948) илмӣ асарларини ва тожик тилида “Алишер Навоӣ” (1948) монографиясини яратган Садриддин Айний умрининг охиригача зуллисонанглик анъанасига содиқ қолди: 1953 йилнинг баҳорида у ўзининг тожик тилида яратилган “Ёддоштҳо” (“Эсдалиқлар”) асарини ўзбек тилига таржима қилди.

Ўзининг икки тилдаги асарлари билан икки халқнинг ҳам фарзандига айланган Абдурауф Фитрат ҳам XX асрдаги ўзбек-тожик зуллисонанглиги ривожига катта ҳисса қўшган шоир ва ёзувчилардан ҳисобланади. Жумладан, унинг “Мунозара” (1909), “Ҳинд сайёҳи” (1912), “Бухоро амири”, “Воҳсеъ қўзғолони” (1927) каби асарлари ва “Сайҳа” (1911) шеърлар тўплами тожик тилида, бошқа кўплаб драматик, ҳажвий, шеърӣ ва илмӣ асарлари эса ўзбек тилида яратилган.

Бу даврда тожик шоири А.Деҳотӣ ҳам ўзининг тожикча “Мушфикий” ҳажвий журналида босилган тожикча-ўзбекча муламмаъ услубидаги ҳажвий шеърлари билан ўзбек-тожик зуллисонанглигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

XX асрнинг 50-йилларида икки қардош республика Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги маданий ва адабий алоқаларнинг мустаҳкамланиши, жумладан, театрлар гастроллари, маданият ва санъат кунларининг ўтказилиши, қўшиқчилар ва таржимон шоирлар ўртасида тажриба алмашинуви ўзбек ва тожик адабиётларида муламмаъ ёки ширу шакар услубининг тикланишига сабаб бўлди. Шу даврдан

бошлаб ҳар икки республикада яшаб ижод қиладиган ўзбек шоирларидан Ғ.Ғулом, С.Абдулла, Чустий, А.Пўлат, С.Акбарий, В.Абдулла, Назармат, Э.Воҳидов, Т.Тула, Ў.Жамол ва бошқалар. тожик шоирларидан эса М.Аминзода, М.Раҳимий, Б.Раҳимзода, А.Дехотий, Х.Назаров, Р.Абдуллозода, Ж.Кувнок, Н.Назирий, М.Жўра ва бошқаларнинг анъанавий ширу шакар услубида ёзилган кўплаб шеърлари юзага келади.

Ҳақиқатдан ҳам ўзбек-тожик адабий алоқалари ва унинг муҳим қисмларидан бўлган ўзбекча-тожикча ширу шакар шеър халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик муносабатларининг рамзига айланиб бўлган, десак хато қилмаган бўламиз. Шу сабабли бўлса керак, машҳур ўзбек шоири Эркин Воҳидов ўзининг “Тожик биродаримга” (1977) шеърида

*Ширу шакар азалдан,  
Тотли бизга асалдан,  
Бир байт каби газалдан  
Пайванд бўламиз, дўстим,*

дея ўзбек ва тожикларни “ширу шакар”га ўхшатса,

*Дўсту қардошидир азалдан ўзбегим тожик билан,  
Иккиси бир байт газалдан ўзбегим тожик билан,  
Қай йўсин айлай қиёс бул ширин дўстлик сўзин  
Тотлидир болдан, асалдан ўзбегим тожик билан,*

дейди икки қардош халқни “ғазалнинг бир байти”га киёслаган яна бир машҳур ўзбек шоири Абдулла Орипов.

## **5. Ўзбек-тожик зуллисонайнлиги бугунги кунда**

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши, хусусан, юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида миллий кадриятларимизни тиклаш, улуғ аждодларимиз колдирган бой тарихий-маданий меросни кенг ўрганиш ва тарғиб этиш

борасида олиб борилаётган сиёсат туфайли собиқ шўролар замонида унут бўлиб кетган кўпгина азалий анъналаримизга қайтадан ҳаёт бахш этилди. Адабиётимиз тарихида ўз ўрнига эга бўлиб, ўтмиш маданий меросимизнинг ажралмас қисмига айланган зуллисонанлик анъанасини ҳам мустақиллик туфайли қайтадан ҳаёт касб этаётган миллий кадриятларимиздан бири деб аташ мумкин.

Шунинг билан биргаликда, мустақиллик мамлакатимизда яшовчи барча миллат вакилларининг ўз тиллари ва миллий урф-одатларини авайлаб асрашлари ҳамда ривожлантиришлари, шунингдек, уларнинг юртимиз ҳаётининг барча соҳалари, жумладан, маданий ҳаётдаги фаол иштироки учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Жумладан, Ўзбекистон заминида азал-азалдан яшаб келаётган қардош тожик миллати вакиллари ҳам мустақиллик шарофати билан ўз миллий маданиятларини ривожлантириш имкониятини кўлга киритдилар. Бунинг натижаси ўлароқ “Ўзбекистон мустақиллик даври адабиёти” деб аталаётган адабиётининг ажралмас бир қисми сифатида ўз мазмун-моҳиятига кўра бугунги кунимизни, мамлакатимиз ҳаётидаги бугунги улкан ўзгаришларни ўзида акс эттирган “Ўзбекистон мустақиллик даври тожик адабиёти” ҳам шаклланди. Адабиётшунос олим, профессор Ҳасан Қудратуллаевнинг айтишича, бугунги кунда Ўзбекистонда яшаб ижод қилаётган 220 нафардан ортиқ тожикзабон шоир мустақилликнинг ўтган даврида 200 га яқин шеърӣ тўпламларини нашр этиб, шеърӣят ихлосмандлари эътиборига ҳавола этишган<sup>24</sup>. Айтиш мумкинки, бугунги кун ўзбек-тожик зуллисонанлигида Ўзбекистон заминида яшаб ижод қилаётган тожикзабон ёзувчи ва шоирларнинг ҳиссаси жуда катта.

Мустақиллик даврида ўзбек шоир ва ёзувчиларидан Ўлмас Жамол (Тожикистон), Жамол Камол, Садриддин Салим Бухорӣ (марҳум), Аминжон Шуқуров ва бошқалар, Ўзбекистон тожикзабон адабиёти вакилларидан эса Нарзулло Орифӣ, Жаъфар Муҳаммад Термизӣ, Чоршанбе Деҳнавӣ, Нормурод Каримзода, Асад Гулзода Бухорӣ, Ҳаёт Неъмат

<sup>24</sup> Ҳасан Қудратуллаев. Ашъори таниандози тожикони Сурхон. // “Сарводаи Сурхон”. Тошканд, “Тамаддун”, 2011.

Самаркандий, Муҳаммаджон Шоди, Раҳимжон Наимий, Юсуф Вализода Дарбандий, Нусратулло Шоймардонов, Иззатуллоҳ Кенжа, Исматулло Ҳалимов, Нисо Хўжампукурова ва бошқа кўплаб шоир ҳамда ёзувчилар ўзларининг икки тилдаги ижодлари билан ўзбек-тожик зуллисонайнлиги анъанасини давом эттириб келишмоқда.

Шу ўринда ўзининг тожик тилидаги насрий (“Аз янга наранжед”. Душанбе. 1996 ва бошқалар) ҳамда шеърӣ асарларидан ташқари ўзбек тилида ҳам бир талай насрий ва шеърӣ асарлар (“Ҳофиз даллол” (ҳажвиялар). Душанбе. 1990; “Эзгуликка бешиқдир дунё” (шеърлар ва ҳажвиялар). Тошкент. 2008; “Сахийлар қалби” (шеърлар). Тошкент. 2010; “Куёвнинг нозик томони” (ҳажвиялар). Тошкент. 2011) яратган шоир, ёзувчи, публицист ва олим Нарзулло Орифӣ, тожик тилидаги насрий асарларидан ташқари ўзбек тилида ҳам “Юракларда қолган муҳаббат” (Тошкент, “Чўлпон”, 1996) ҳикоялар тўпламини адабиёт мухлислари эътиборига ҳавола этган шоир, ёзувчи ва публицист Муҳаммаджон Шодӣ, тожикча ва ўзбекча шеърларидан иборат бўлган тўпламлари дунё юзини кўрган шоир, публицист ва олим Юсуф Вализода Дарбандӣ каби адибларни эслатиб ўтиш жоиздир. Айниқса, нафақат ўзининг олтига шеърӣ тўпламидан жой олган гўзал ва бетакрор форсий шеърӣяти (“Чашми борон”. Термиз, 1997; “Мижғони офтоб”, Душанбе, 1999; “Тулўи сабзи ранг”, Тошкент, 2003; “Тажаллий”, Тошкент, 2008; “Ошиқи ишк”, Тошкент, 2011, “Ҳануз ишк”, Техрон, “Суханварон”, 2011) ҳамда ўзбек шеърӣтидан форс-тожик тилига ва форс-тожик шеърӣтидан ўзбек тилига қилган шеърӣ таржималари билан, балки, шунингдек, ажойиб ўзбекча шеърлари (“Кўзгу ҳайрати”, Тошкент, “Тамаддун”, 2010; “Куёш сйрати”, Тошкент, “Янги нашр”, 2015) билан ҳам танилган шоир, олим, таржимон ва публицист Жаъфар Муҳаммад Термизӣ (Холмўминов) каби адибнинг бугунги кун ўзбек-тожик зуллисонайнлигида алоҳида ўрин тутишини таъкидлаб ўтишга тўғри келади.

Бугунги кун шеърӣтидаги ўзбек-тожик зуллисонайнлиги пешқадамларидан бири бўлмиш Жаъфар Муҳаммад Термизӣнинг форс-тожик ва ўзбек тилларидаги ижодида

гарчи шакл, мазмун ва мавзулар муштараклиги кузатилса-да, унинг ўзбекча шеърлари ўзининг алоҳида ва бетакрор хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради. Жумладан, агар шоирнинг ўзбек тилида битилган ғазалларида классик ва замонавий ғазалчилик анъаналарини мувофиқлаштиришга, шу орқали аруз вазни қоидаларига қатъий риоя қилинадиган классик ғазалчилик анъаналарини бузмасдан туриб, уларга замонавий рух ва кўриниш бағишлашга уриниш кузатилса, унинг тuroқ вазида ёки эркин услубда битилган ўзбекча шеърлари ўзининг гўзал ички олами ва ирфоний руҳияти билан ажралиб туради. Куйидаги мисолларга эътибор беринг:

*Ҳар кишиким ул париваш зулфини ёд айлагай  
Ақлу иймон тогини бир пасда барбод айлагай.*

\* \* \*

*Дарс олдим, дарс олдим мактабингдан, Маширабо  
Маст бўлдим, маст бўлдим машрабингдан, Маширабо.*

\* \* \*

*Сой тагида бир жилгаойи  
Илиқ – илиқ айлар хиргойи.  
Билдур рўмол илиб бошига  
Келин бўлди зулқаъда ойи.*

(“Қишки хиргойи” шеъридан)

\* \* \*

*Онам  
Онасидан  
Мерос қолган ипларни тўзиб  
Бойсуний шевада  
Дўпни тикарди  
Кетмончопти, Деворкамар, Бобоҳунинг  
Шукуҳини жилолаб.*

(“Мендаги Бойсун” шеъридан)<sup>25</sup>

Жаъфар Муҳаммад ҳар иккала халқнинг фарзанди ва зуллисонайн шоир сифатида ўзбек ва тожик халқларининг

<sup>25</sup> Жаъфар Муҳаммад. Кўзгу ҳайрати. Шеърлар. – Т.: “Тамаддун”, 2010.

азалий дўстлик ва кардошлик ришталарини ўзининг “Бир бутун” номли шеърида ўта самимий ва таъсирчан тарзда тас-  
вирлайди:

*Бир кўзим ўзбегу, бир кўзим – тожик,  
Бир юзим ўзбегу, бир юзим – тожик.  
Осмоним ўзбегу, юлдузим – тожик,  
Юрагим ўзбегу, мен ўзим – тожик.*

*Иккига бўлинган битта бутунман,  
Бир она қўлида икки тугунман.  
Бир Ватан, бир уйга, бир хонадонга  
Пойдевор ўзимман, ўзим сутунман.*

*Қонимда ўзбегу, жонимда тожик,  
Жонимда ўзбегу, қонимда тожик.  
Шодлигимдан шоду қайғумдан ғамгин –  
Қошимда ўзбегу, ёнимда тожик.*

*Мени мендан жудо айлаб бўлурму?  
Ўз-ўзига жафо айлаб бўлурму?  
То Жомий ўзимман, Навоий ўзим,  
Мени ҳеч бенаво айлаб бўлурму?*

*Бир кўзим тожику, бир кўзим – ўзбек,  
Бир юзим тожику, бир юзим – ўзбек.  
Осмоним тожику, юлдузим – ўзбек,  
Юрагим тожику, мен ўзим – ўзбек<sup>26</sup>.*

Бир сўз билан айтганда, ҳақиқатдан ҳам “зуллисонайн шоир Жаъфар Муҳаммад Термизий ижоди, айниқса, унинг ўзбек ва форс-тожик тилларида битилган ғазаллари ҳамда эркин ва оқ шеърлари тадқиқотчиларнинг катта аудитория-сини ўзига жалб этиб келмоқда. Шоир ижодига оид унинг илк тўпламидан тортиб бугунгача таниқли адабиётшунос

<sup>26</sup> Абдулло Тоҳириён, Меҳмон Нарзиқулов. Ғазал ишқи йўлида ва ишк ғазали кўйида (Жаъфар Муҳаммад ғазалларига чизгилар). – Т.: “ABU MATBUOT KONSALT”, 2014. – Б.5 – 6.

олимлар – филология фанлари докторлари, профессорлар Аҳмад Абдуллоев, Ҳамиджон Ҳомидий, Нажмиддин Комилов, Ҳотам Умиров, Жумакул Ҳамроев, Қудрат Жўраев, филология фанлари номзодлари Рамазон Абдуллоев, Султонмурод Олим, Наргис Шоалиева, Фарҳод Исомиддинов, Аслиддин Қамарзода, тарих фанлари номзоди Абдулло Тоҳириён, адабиётшунос Рўзибой Қурбонов, шарқшунос Шокиржон Олимов, адиблардан Истад Қосимзода, Турдикул Ҳасратов, Нурали Ражаб, Адаш Истад, Нарзулло Орифий, Муҳаммаджон Шоди, Олим Панжизода, Маҳмуд Абулфайз, Солеҳ Муҳаммаджон, Абдуқайюм Ҳасанзод, Зоҳир Ҳасанзода, Файз Маҳмуд, Камолиддин Мингбоев, Сурайё Тугён, Баҳодир Баротов, ёш тадқиқотчилардан Хусрав Ҳамидов, Зебо Бўстонова, Умеда Орзумуродова, Жонмирзо Мирзоев, Меҳмон Нарзиқулов, Туграл Сафаров, Мағфират Қурбоналиева, мисрлик таникли шоир, филология фанлари доктори, профессор Маҳмуд Салома Алловий, эронлик таникли адабиётшунос олимлардан филология фанлари докторлари, профессорлар И.Худоёр ва А.Вафойи, Ҳ.Сафарзода ва бошқалар томонидан юзга яқин илмий-адабий мақолалар ва рисоалар ёзилган<sup>27</sup>.

Кўриниб турибдики, мустақиллик туфайли вужудга келган янгича бир шароитда ўзбек адабиётининг ривожини ва янгича босқичларга кўтарилиши билан биргаликда, нафақат юртимиздаги тожик тилидаги адабиёт ҳам ўз ривожини ва тараққиётининг янги босқичига кирди, балки ўзбек-тожик адабий алоқаларининг энг муҳим элементларидан бўлган ўзбек-тожик зуллисонаинлиги ҳам янгича куч ва характер билан ўз ривожланиш йўлида давом этмоқда. Аммо ўтган йилдан ортиқроқ вақт давомида ўзбек-тожик зуллисонаинлигининг бугунги ҳолати тўғрисида амалга оширилган тадқиқотлар сони ва салмоғи жудаям оз эканлиги ёки бу тўғрида деярли бирор-бир каттароқ тадқиқот қилинмаганлиги бу борада анчагина изланишлар амалга оширилиши кераклигини кўрсатмоқда.

---

<sup>27</sup> Жаъфар Муҳаммад. Кўзгу ҳайрати. Шейрлар. – Б.19.

## ХУЛОСА

1. Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги бир неча асрлик дўстлик ва ҳамкорликнинг, жумладан, яқин адабий алоқаларнинг самараси ҳисобланган ўзбек-тожик зуллисонайнлиги ўз навбатида ўзбек-тожик адабий алоқаларининг, қолаверса, халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилган ва хизмат қилиб келмоқда.

2. Ўзбек-тожик адабий алоқаларининг муҳим қисми ҳисобланган ўзбек-тожик зуллисонайнлиги ҳам умумий адабий алоқалар сингари икки халқ ўртасидаги ўта яқин ва самимий алоқалар, шунингдек, минтақамизда узок асрлар мобайнида шаклланган икки тиллилик ёхуд икки тилда сўзлашиш ёки ижод қилиш анъаналари асосида юзага келган бўлиб, икки қардош халқ, хусусан улардан етишиб чиққан илм ва маданият аҳлининг ҳар иккала тилни яхши билишга ҳамда ушбу ҳар иккала тилда эркин ижод қилишга бўлган ҳаракати, қолаверса, иккала халқ шоирлари, ёзувчилари, олимлари, санъаткорлари ва бошқа ижодкор зиёлилари ўртасидаги яқин муносабатлар ушбу гўзал анъананинг давом этиб келишига сабаб бўлди.

3. XI – XII асрлардан бошлаб вужудга кела бошлаган ўзбек-тожик зуллисонайнлиги ўзининг шу кунгача бўлган тарихида қуйидаги тўрт ривожланиш босқичи:

- 1) XI – XII – XIV асрлар;
- 2) XV – XVI асрлар;
- 3) XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошлари;
- 4) XX асрни босиб ўтиб, юртимиз мустақилликка эришган XX асрнинг сўнгги ўн йиллигидан бошлаб ўзининг янги – бешинчи босқичига қадам қўйди.

4. “Ўзбекистон мустақиллик даври адабиёти” деб аталаётган адабиётининг ажралмас бир қисми сифатида шаклланган, ўз мазмун-моҳиятига кўра бугунги кунимизни, мамлакатимиз ҳаётидаги бугунги улкан ўзгаришларни ўзида акс эттирадиган Ўзбекистон мустақиллик даври тожик адабиёти вакиллари ўзбек-тожик адабий алоқаларининг муҳим қисми

ҳисобланган ўзбек-тожик зуллисонайнлигининг бугунги – бешинчи босқичида асосий ўрин тутишмоқда.

5. Ўзбек-тожик адабий алоқалари, жумладан, ўзбек-тожик зуллисонайнлиги тарихи тўғрисида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Аммо бу тадқиқотлар асосан бошқа адабий ҳодисалар ва жараёнлар, маълум шоир ва ёзувчилар ижоди ёхуд маълум асарлар билан боғлиқ равишда амалга оширилган бўлиб, шу чоққача ўзбек-тожик зуллисонайнлигининг алоҳида бир адабий ҳодиса сифатида пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи, тараққиёт босқичлари, бадиий ва тил хусусиятлари, ғоявий жиҳатлари ва бошқа томонлари тўғрисида чуқур, кенг ва систематик таҳлилга эга бўлган махсус тадқиқотлар амалга оширилганича йўқ.

6. Ўзбек-тожик адабий алоқаларининг бугунги ҳолати тўғрисида ҳам етарли тадқиқотлар мавжуд эмаслигини эътироф этиш асносида, Ўзбекистоннинг ўзида яшаб ижод қилаётган ўзбек ҳамда тожик ёзувчи ва шоирларидан йигирматадан кўпроғи икки тилда – ўзбек ва тожик тилларида самарали ижод қилиб турган бир пайтда бугунги кун ўзбек-тожик зуллисонайнлиги борасида деярли ҳеч қандай тадқиқот амалга оширилмаганлигини эслатиб ўтишга тўғри келади.

## АДАБИЁТЛАР ВА ИЗОҲЛАР

1. *Шодиқулов Ҳ, Давронов А.* Пайвандҳои дӯстии халқи тоҷик. – Душанбе, 2003. – С. 93 – 94.
2. *Самадов А.* Пайвандҳои дӯстӣ ва адабӣ. – Т.: “Мухаррир”, 2012. – С. 17.
3. *Мардонов Т. Н.* Арабско-таджикское двуязычие в поэзии IX – X вв. – Душанбе. “Маориф”, 1993. – С. 162.
4. *Эргашали Шодиев.* Ўзбек-тоҷик адабий алоқалари. – Душанбе, 1973. (Ўзбек тилида).
5. *Брагинский И. С.* Исследование по таджикской культуре. – М.: “Наука”, 1977. – С. 206.
6. *Абдуллаева У. Б.* Художественный билингвизм в творчестве Садриддина Айни. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Душанбе. 2010.
7. *Османова З. Г.* Современные аспекты литературно-художественного двуязычия. // Способность к диалогу. Часть первая. – М.: “Наследие”, “Наука”, 1993. – С. 100.
8. *Улмасова З. Х.* Двуязычие как важнейшая форма таджикско-узбекских литературных взаимосвязей. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Худжанд. 1998.
9. *Воҳид Зоҳидов.* Боқий халқ даҳоси. // Алишер Навоӣ. Ўн беш томлик асарлар. I том. – Тошкент. 1963. 9 – 10 б.
10. *Абдулгани Мирзоев.* Сездаҳ мақола. – Душанбе: “Ирфон”, 1977. – С. 62.
11. *Раҳим Воҳидов.* XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тоҷик шеърятӣ. – Тошкент, 1983. 76 б.
12. *Орзибеков Р. К.* Ўзбек лирик шеърятӣда икки тиллилик аънаналари масаласига доир. // Ўзбек ва тоҷик адабиётларида жанр масалалари. – Самарканд. 1982. 43 б.
13. *Ҳасан Қуоратуллаев.* Ашъори танинандози тоҷикони Сурхон. // “Сарводаи Сурхон”. Тошканд, “Тамаддун”, 2011.
14. *Жаъфар Муҳаммад.* Кўзгу хайрати. Шеърлар. – Т.: “Тамаддун”, 2010.
15. *Абдулло Тоҳириён, Меҳмон Нарзиқулов.* Ғазал ишқи йўлида ва ишқ ғазали кўйида (Жаъфар Муҳаммад ғазалларига чизгилар). – Т.: “ABU MATBUOT KONSALT”, 2014. 5 – 6 бетлар.

## МУНДАРИЖА

I БОБ. ЎЗБЕК-ТОЖИК АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ .....	5
II БОБ. ЎЗБЕК-ТОЖИК АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИДА ЗУЛЛИСОНАЙНЛИК ҲОДИСАСИ.....	9
1. Ўзбек-тожик зуллисонайнлигининг вужудга келиши .....	11
2. XV – XVI асрлар ўзбек-тожик зуллисонайнлигидаги янги давр .....	13
3. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида ўзбек-тожик зуллисонайнлиги .....	17
4. XX асрда ўзбек-тожик зуллисонайнлиги .....	20
5. Ўзбек-тожик зуллисонайнлиги бугунги кунда .....	22
ХУЛОСА .....	28
АДАБИЁТЛАР ВА ИЗОҲЛАР.....	30

*Илмий нашр*

Махфират Қурбоналиева

**АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА  
ЗУЛЛИСОНАЙНЛИК  
АНЪАНАСИ**

*Рисола*

Муҳаррир *Ш. Олимов*  
Бадиий муҳаррир *Д. Ақромов*  
Техник муҳаррир *Б. Ирисбоев*  
Мусахҳих *Д. Исмоилова*  
Саҳифаловчи *Д. Ақромов*

Лиц. А1 № 111. Босишга 23.10.2015 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Ҳажми 2,0 б. т.

Адади 300 нусха. Шартнома № 35. Буюртма № 85/5.

«YANGI NASHR» нашриёти,  
100115, Тошкент ш., Чилонзор кўчаси, 1-уй.

Оригинал макет «Bilik-Print» МЧЖ корхонасида тайёрланди.  
100115, Тошкент ш., Чилонзор кўчаси, 1-уй.

«ADAD PLYUS» МЧЖ босмаҳонаси.  
Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 28- уй.



Курбоналиева Махфират Саʼдуллоевна 1975 йилда Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган. 1992 – 1997 йилларда Термиз Давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетида таҳсил олган. 1997 – 2008 йиллар давомида Денов ва Бойсун туманларидаги мактабларда она тили ва адабиёти фанларидан дарс берган. 2009 йилдан буён Термиз Давлат университети ўқитувчиси сифатида ишлаб келмоқда. Ҳозирга қадар унинг ўзбек ва тожик адабиётлари ўртасидаги адабий алоқалар ва зулмсонайлик анъанасига оид 20 га яқин мақоласи илмий журнал ва гулламларда нашр этилган.



ISBN-978-9943-22-211-3



9 789943 222113